

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорлари умумий  
йиғилишининг  
2017 йил 01 август даги  
1 - сонли баеннома-қарори  
**Акциядорлар умумий йиғилиши**  
**Раиси**  
**С.Д. Полатов**

---

**«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ  
(янги таҳрирда)**


---

**Келишилган:**

Бошқарув Раиси  
Б.Б. Парпиев




Бошқарув Раиси  
биринчи ўринбосари  
Т.Ф. Джунайдуллаев



Бошқарув Раиси ўринбосари  
Ш.Ш. Тўйбоев


Бош бухгалтер  
Д.Т. Рахимов




Ғазничилик ва молиявий таҳлил  
департаменти директори  
Ғ.Н. Санаев



Кредитлаш департаменти  
директори  
З.З. Рузиев



Юридик хизмат департаменти  
директори  
Б.М. Усманов



## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1** Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.2** Низом “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда - “Банк”) Бошқарувининг мақомини, унинг аъзоларини тайинлаш тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва унинг фаолиятини тартибга солади.

**1.3** Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиял ижроия органи бўлиб, Банкнинг жорий фаолиятига оператив раҳбарлик қилади, Банк фаолияти натижалари учун жавобгар ҳисобланади. Банк Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига ҳисобдордир.

**1.4** Банк Бошқаруви ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Банк Устави, ушбу Низом, Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритади.

## **2. БАНКНИНГ БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

**2.1** Банк Бошқарувини тузиш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш Банк Кенгаши қарорига кўра амалга оширилади. Бошқарув аъзолари унинг янги таркибига чекланмаган маротаба тайинланишлари мумкин.

**2.2** Бошқарув Раиси Банк Бошқарувиغا раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига Банк Бошқарув Раиси, Бошқарув Раиси ўринбосарлари, Бош бухгалтер, Юридик хизмат раҳбари, Бошқарув Раисининг тақдимиغا кўра Банкнинг бошқа асосий бўлинмалари раҳбарлари киради.

**2.3** Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси ижобий хулосаси асосида Банк Кенгаши томонидан тайинланади. Банк Кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши имконияти берилган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

**2.4** Банк Бошқаруви аъзолигига номзод Банк Бошқарувининг аъзоси лавозимини эгаллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотларни Банк Кенгаши аъзоларига ошкор қилиши керак.

**2.5** Банк Бошқаруви аъзолигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг раҳбар ходимларига қўйиладиган талабларга жавоб беришлари зарур.

**2.6** Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш масаласи ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

**2.7** Банк Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кенгаши Раиси ёки Банк Кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Банк номидан Банк Бошқаруви Раиси имзолайди.

**2.8** Бошқарув аъзолари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави, ушбу Низом, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши, Бошқаруви

қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари, меҳнат шартномаси шартлари, лавозим йўриқномасига мувофиқ иш тутади.

**2.9** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш миқдори Банк фаолияти самарадорлиги ва натижаларига, корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

**2.10.** Банк Кенгаши Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар шартнома шартларини, Банк Уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

**2.11.** Банк Бошқарувининг аъзосини вазифасидан озод қилиш Банк Кенгаши томонидан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ихтиёрий равишда ўз ваколатини топширганда;

Банк Бошқарувининг аъзоси мазкур Низомда баён қилинган ўз ваколат ва мажбуриятларини бажармаганда;

Марказий банкнинг тегишли кўрсатмаси олинганда;

қасддан содир этилган ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумот олинганда;

амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

### **3. БАНК БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**3.1.** Қўйидагилар Банк Бошқарувининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади:

Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш

Банкнинг ривожлантириш стратегияси ва Бизнес-режаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва ижро этиш;

Банкнинг даромадлилиги, рақобатбардошлилиги, хизматлар қўлами ва сифатини ошириб боришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш;

Банкнинг жорий молия-хўжалик фаолиятига доир муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Банк активларининг юқори даражадаги даромадлилигига, унинг фаолиятидан максимал фойда кўришга эришиш, акциядорларнинг инвестициялари самарадорлигини таъминлаш;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кенгаши қарорлари ижросини таъминлаш;

замонавий ва илғор корпоратив бошқарув тамойиллари ва усуллари асосида Банк фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

Банкда ички назорат тизимининг ва таваккалчиликни бошқаришнинг самарадорлигини ошириб бориш.

**3.2.** Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни ҳал этиш ваколатига эгадир.

**3.3.** Банк Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

1) Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгашида муҳокама этиладиган масалаларни олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли

ҳужжатлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

2) Банкнинг фаолияти яқунлари, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

3) ҳар чорақда Банк Кенгашига Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти, қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес режаларининг ва молиявий режа ижроси ҳақида ҳисобот тақдим этади;

4) банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий этади, замонавий ва илғор банк технологияларини амалиётга татбиқ этилишини ташкил этади, Банк фаолиятини комплекс тарзда автоматлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширади;

5) ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш, кредит, пул ва тўлов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

6) Банкнинг кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва кадрлар сиёсатларини, шунингдек қонунчилик билан ўрнатилган бошқа ёзма сиёсатлари ва Банкнинг ривожлантириш стратегиясини, Бизнес режасини ишлаб чиқади ҳамда уларни Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Банкнинг кредит ва бошқа сиёсатлари, Банкнинг ривожлантириш стратегиясини, Бизнес-режаси ижросини ва жорий этилишини таъминлайди;

7) Банкнинг ички Кредит сиёсати ва кредит операцияларини ўтказишнинг умумий шартларига мувофиқ кредит беришни амалга оширади, кредит ҳужжатларини юритиш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

8) Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари, Банкнинг филиал ва ваколатхоналари фаолиятига раҳбарлик қилади, филиалларнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

9) Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

10) Амалиёт бошқармаси, Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари (департамент, бошқарма ва бўлимлар) тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

11) аудит текширувлари, ҳужжатлари, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиал раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

12) ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилади, мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортади;

13) Банк Кенгашига Ички аудит хизмати раҳбари номзоди бўйича таклифлар беради;

14) Банкнинг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишини таъминлайди;

15) корпоратив бошқарувнинг замонавий ва илғор услубларини жорий этади, Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ этилишини ташкил қилади;

16) Банкда қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритилиши ва молиявий ҳисобот тақдим этилиши, шунингдек ҳужжатлар айланиши ва уларнинг сақланишини ташкил этади, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ички назорат ҳолатини кўриб чиқади;

17) Банк Кенгашига Банк таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот тақдим қилади;

18) ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

19) Банк фаолияти тўғрисидаги ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Банк веб-сайти ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда ўзбек, инглиз, рус ва хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди, акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўрнатилган тартибда ахборот алмашинувини амалга оширади;

20) Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

**3.4.** Банк Устави, мазкур Низом, Банкнинг ривожланиш стратегияси ва Бизнес-режаларида белгиланган вазифаларнинг, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши қарорларини сўзсиз бажарилиши учун Банк Бошқаруви ўз ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этади.

**3.5.** Банк Бошқаруви сотиб олиш ёки ўзгалар ихтиёрига ўтказиш ёхуд умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Банкнинг соф активлари қийматининг кўпи билан 15 фоизини ташкил этадиган мулкни бевосита ёки билвосита бегоналаштириш имкониятлари билан боғлиқ битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**3.6.** Бошқарув Банкда қуйидаги ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши зарур:

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган Банк Устави ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва таъсис шартномаси, банк операцияларини амалга оширишга лицензиялар;

Банк балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

Бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги Низомлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар;

филиал ва ваколатхона тўғрисидаги Низомлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

йиллик молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Бошқарув мажлисларининг баённомалари;

акциялар эмиссияси проспекти, акциялар сони ва тури кўрсатилган ҳолда Банкка алоқадор (аффилланган) шахсларнинг рўйхатлари;

тафтиш комиссияси, аудитор хулосаси;

қонунчиликда, Банк Уставида, Бошқарув органларнинг қарорларида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар.

#### **4. БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОСИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1.** Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, Банк Уставида, мазкур Низомда ҳамда уларнинг ҳар бири билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланади.

**4.2.** Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширишлари, қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва юқори бошқарув органи

қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажаришлари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари йўлида иш юритишлари лозим.

#### **4.3. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Бошқарув йиғилиши кун тартиби бўйича таклифлар киритиш, маълумотлар тақдим этиш, Бошқарувнинг иш режаси ва кун тартибини шакллантириш юзасидан таклифлар бериш, Бошқарув йиғилишининг чақирилишини талаб қилиш;

Бошқарув мажлисида шахсан иштирок этиш, муҳокама этилаётган масала бўйича ўз фикрларини билдириш;

Банк корпоратив ҳужжатлари, ички меъёрий ҳужжатларини олиш ва улар билан танишиш, Банк фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборотлар олиш;

Бошқарув қарорлари юзасидан ўз фикрларини билдириш, Бошқарувнинг қарорлари юзасидан ўз норозиликларини ёзма равишда билдириш ва уни Банк Кенгашига тақдим этиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқарувнинг қарорлари ва топшириқларини ижро этиш, қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Банкнинг махфий маълумотлари, тижорат сири ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик;

Банк обрўси, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг мустақамланишини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Банк билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этиш.

Бошқарув аъзолари амалдаги қонунчилик, Банк Уставида, мазкур Низомда ва меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

**4.4. Бошқарув аъзоларининг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Банк Кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.**

### **5. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**5.1.** Банк Бошқаруви Раиси қонунчилик, Банк Устави, мазкур Низом ва Банк Кенгашининг унга берган ваколатларига мувофиқ Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Банк Бошқарувининг мажлисида раислик қилади, Банк Кенгашининг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади.

**5.2.** Банк Бошқаруви Раиси қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, бошқа тижорат банклари, давлат органларида Банк манфаатларини кўзлаб иш тутати;

Бошқарув таркибига қўшимча номзодлар киритиш ёки Банк фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан унинг миқдорий таркибини қисқартириш ҳамда Бошқарув таркибидан айрим аъзоларни чиқариш бўйича таклифлар киритади;

Банк номидан битимлар, шартномалар тузади, ҳужжатларни имзолайди ва ишончномалар беради;

штатларни тасдиқлайди, лавозим маошларини белгилайди;

ходимларни, шу жумладан филиал ва ваколатхона раҳбарларини ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади;

Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосари, Бошқарув аъзоси, бош бухгалтер, Бош Банк ходимлари, филиал ва ваколатхона раҳбарлари ва Бош Банк номенклатурасига кирувчи бошқа лавозимда ишловчи ходимлар билан меҳнат шартномасини Банк номидан имзолайди;

алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни рағбатлантиради ҳамда интизомий жазо чораларини қўллайди;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни ва ваколатларни тақсимлайди;

Банк Бош офиси ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқ, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Банк Бошқаруви ишини ташкил этади, Бошқарув йиғилиши баёни ва қарорларини имзолайди;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши, Кенгаши ва Бошқаруви қарорларининг ижросини ташкил этади;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кенгашига Банк фаолияти тўғрисида белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этади;

Банкнинг шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

Банкни ривожлантириш стратегияси ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилади, уларнинг ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

Банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

Банк ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни, шунингдек Банк фаолиятига таалуқли махфий ахборотларни тегишли равишда сир сақланишини ташкил этади;

Жамоа шартномаси ва битимларини тузишда Банк - иш берувчи номидан иштирок этади, Жамоа шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни бажарилишини таъминлайди.

**5.3.** Бошқарув Раиси қонун ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом, Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари ва у билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

**5.4.** Банк Бошқарувининг Раиси ўз жойида бўлмаганда, унинг биринчи ўринбосари, у ҳам бўлмаган тақдирда эса, ўринбосарлардан бири Бошқарув Раисининг буйруғи ёки Банк Кенгашининг қарори билан Банк Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажаради.

**5.5.** Бошқарув Раиси вазифасини вақтинча бажаришни юклаш ҳақидаги Кенгаш қарори ёки Бошқарув Раиси буйруғида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, Банк Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахс Банк Устави ва мазкур Низом билан Бошқарув Раисига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

## **6. БАНК БОШҚАРУВИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

**6.1.** Банк Бошқарувининг мажлислари зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув мажлислари Бошқарув Раиси ёки Бошқарувнинг камида 3 (уч) аъзосининг талабига биноан чақирилади. Зарурият туғилганда, Бошқарув Раиси навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

**6.2.** Бошқарув йиғилиши унинг аъзоларининг биргаликдаги шахсий иштирок этиш ёки сирдан овоз бериш йўли (сўров ўтказиш йўли) билан ўтказилади. Банк Бошқаруви Раиси қарори билан Бошқарувнинг кўчма йиғилишлари ҳам ўтказилиши мумкин.



**6.3.** Бошқарув мажлисларини Бошқарув Раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосарларидан бири бошқаради. Бошқарув мажлисларида унинг аъзоларидан ташқари бошқаларнинг иштирок этиши Бошқарув Раиси томонидан белгиланади.

**6.4.** Бошқарув мажлисининг кун тартиби Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланади, масалаларни кўриб чиқиш навбати ва тартиби (регламенти)ни Бошқарув Раиси белгилайди. Масалани кун тартибига киритиш учун Бошқарув Раисининг топшириқлари, Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси, Банк ташқи аудитори, Ички аудит хизмати раҳбари таклифлари асос бўлади.

**6.5.** Бошқарув йиғилиши кун тартибига киритилган масала бўйича маълумотнома ва зарур бошқа материалларни Банкнинг Бош офиси масъул таркибий тузилмаси тайёрлайди. Мажлис кун тартибига киритилган масалаларга доир маълумотлар ва материаллар Бошқарув аъзоларига, қоидага кўра, мажлисгача камида 3 (уч) иш кун аввал тақдим этилади.

**6.6.** Банк Бошқарувининг мажлиси унда Бошқарув аъзоларининг камида 70 (етмиш) фоизи иштирок этганда, масалаларни ҳал қилишга тўла ҳуқуқли (ваколатли) бўлади. Банк Бошқарувининг қарори мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Овозлар тенг бўлганда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Бошқарув мажлисларида, қоидага кўра, қарорлар очиқ овоз бериш йўли қабул қилинади, яширин овоз беришга фақат Бошқарув Раиси қарори асосида йўл қўйилади.

Бошқарув аъзоси қабул қилинган Бошқарув қароридан норози бўлса, бу ҳақда Банк Кенгашига маълум қилишга ҳақлидир.

**6.7.** Банк операцияларини амалга оширишга доир ҳамда оператив тарзда ҳал этилишини тақозо этувчи масалалар Бошқарув томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан кўриб чиқилиши мумкин. Кўриб чиқиладиган масала бўйича баённома (қарор) лойиҳаси тайёрланади ва тегишли маълумотлар, материаллар, асословчи ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар ва ёзма тушунтиришлар илова қилинган ҳолда Бошқарув аъзоларига кўриб чиқиш ва имзолаш учун тақдим этилади. Бунда баённома (қарор)лар Банк Бошқарувининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва бир овоздан қабул қилинади.

**6.8.** Бошқарувнинг кўчма йиғилиши баённомаси (қарори) ушбу йиғилишда иштирок этган Бошқарув аъзолари ва масъул шахслар томонидан имзоланади ва кейинчалик Бошқарув баёни (қарори) билан тасдиқланади. Банкнинг чорак, ярим йиллик ва йиллик фаолияти яқунлари, ички аудит хизмати томонидан ўтказилган аудит текшируви натижалари ва бошқа муҳим масалалар Бошқарув аъзоларининг биргаликдаги шахсий иштирокидаги бевосита йиғилишда кўриб чиқилади.

**6.9.** Бошқарув мажлисида баённома юритилади ва кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ёзиб борилади. Баённомада Банкнинг тўлиқ номи, мажлис ўтказилган жой ва сана, раислик қилувчи, мажлисда иштирок этувчи Бошқарув аъзолари ва таклиф этилганларнинг рўйхати, кворум мавжудлиги ҳақида маълумот, кун тартиби, муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиққанлар, овозга қўйилган масала ва овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор кўрсатилади.

**6.10.** Бошқарув йиғилиши баённомасига Раислик қилувчи ва Бошқарув аъзолари имзо чекадилар. Баённома мажлис ўтгач, 5 (беш) иш кундан кечикмай тузилади. Бошқарув мажлиси баённомасининг асл нусхаси доим



сақланадиган ҳужжат ҳисобланади ва у расмийлаштирилгач, кун тартибидаги масалаларга оид маълумотномалар ва бошқа материаллар билан биргаликда сақланади.

**6.11.** Банк Бошқаруви баённомаси (қарори), унда белгиланган топшириқ, вазифа ва кўрсатмалар Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади. Мажлис баённомасининг нусхалари Бошқарув аъзоларига тақдим этилади. Бевосита ижрочилар ва бошқа масъул шахсларга мажлис баённомасидан кўчирма юборилади.

**6.12.** Бошқарув мажлиси баённомаси (қарор)да бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, мажлис кун тартибига киритилган масала (йўналиш)га масъул бўлган Банкнинг Бош офиси таркибий тузилмаси баённома (қарор)нинг ижросиси этиб белгиланади. Қарорнинг ижроси тўғрисида Бошқарув Раисининг тегишли ўринбосарларига ахборот бериб турилади.

Зарур ҳолларда Бошқарув қарорини ижро этиш муддати фақат Бошқарув Раисининг рухсати билан белгиланган муддат тугашига камида 3 (уч) кун қолганда узайтирилиши мумкин.

**6.13.** Муҳим масалалар бўйича қабул қилинган баённома (қарор)лар ижроси ва масъул шахсларнинг ҳисоботи Бошқарувнинг алоҳида йиғилишларида кўриб чиқилиши мумкин.

**6.14.** Бошқарув мажлисининг баённомасидан кўчирмалар қуйидагиларга берилади:

Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига биноан мажбурий тартибда;

Банкнинг бошқа мансабдор шахслари ва аудитор сўровига биноан, шунингдек амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахс ва органларга фақат Банк Бошқаруви Раисининг рухсати билан.

## **7. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**7.1.** Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк олдида қонунчиликка ва Банк Уставига мувофиқ қабул қилаётган қарорлар учун жавобгардирлар. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари натижасида Банкка етказилган зарарни қоплаш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставига биноан Банк олдида тўлиқ ҳажмда жавоб берадилар. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, улар Банк олдида солидар жавобгар бўлади.

**7.2.** Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган Бошқарув қарорига овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

**7.3.** Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банкка етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**7.4.** Агар Банк Кенгаши томонидан бунга рухсат берилмаган бўлса, Бошқарув аъзолари фаолияти Банкка мижозларга хизмат кўрсатишда қийинчилик туғдирувчи, Банкка рақобатчи бошқа юридик шахслар таъсис этиш ва таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

**7.5.** Банк Бошқаруви аъзолари ўз хизмат мавқеи ва ҳуқуқларидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсад ва манфаатлари йўлида, шунингдек Банк мол-мулкидан шахсий манфаат кўриш мақсадида фойдаланишларига йўл қўйилмайди.

## **8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**8.1.** Мазкур Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва шу муносабат билан Акциядорлар умумий йиғилишининг 2014 йил 21 августдаги баённома-қарори билан тасдиқланган ““Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкининг Бошқаруви тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотади.

**8.2.** Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади. Мазкур Низом қоидалари уларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави талабларига ва корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб борилади.

**8.3.** Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади, мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига риоя қилинади.

**8.4.** Ушбу Низомнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик хизмат департаменти Методология бўлимида сақланади.